

Юлдашева Матлуба Мунаваровна,

Қўқон давлат педагогика институти ижтимоий
фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари
номзоди;

Муҳаммадалиева Шоира,

Қўқон давлат педагогика институти «Тасвирий
санъат ва муҳандислик графикаси» йўналиши
2-босқич талабаси

МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНЛАРИ

УДК: 378: 372.8

ЮЛДАШЕВА М.М., МУҲАММАДАЛИЕВА Ш. МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНЛАРИ

Мақолада айният, нозидлик, истисно ва етарли асос қонунлари формал мантиқ фанининг илк босқичи бўлган анъанавий мантиқда ўрганилишига эътибор қаратилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: айният, илмий қонун, нозидлик, истисно, формал мантиқ, инсон, тафаккур, зиддият, борлиқ, ҳаракат, софистика.

ЮЛДАШЕВА М.М., МУҲАММАДАЛИЕВА Ш. ОБЩИЕ ЗАКОНЫ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ

В статье подчеркиваются логические законы - тождество, противоречие, исключение третьего и достаточного основания в традиционной логике, которые являются начальным этапом логики.

Ключевые слова и понятия: тождество, противоречие, исключение третьего, закон достаточного основания, формальная логика, человек, сознание, противоположность, существование, действие, софистика.

YULDASHEVA M., MUHAMMADALIYEVA SH. GENERAL LAWS OF LOGICAL THINKING

The article emphasizes laws of logic - identity, contradiction, elimination of the third and sufficient reason in traditional logic, which is the initial stage of logic.

Keywords: identity, contradiction, elimination of the third, law of sufficient reason, formal logic, man, consciousness, opposite, existence, action, sophistry.

Миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири – комил инсонни шакллантиришда мантиқ фанининг ўрни беқиёс-лигидадир.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарларида комил инсоннинг хусусиятларига тўхталиб, «У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, ҳулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади»¹, деб кўрсатиб ўтганлар. Бу ҳолат ёшларга мантиқ фани асосларини чуқур ўргатиш, уларнинг мантиқий тафаккур маданиятини ривожлантириш бора-сидаги амалий фаолиятни кенг йўлга қўйишни тақозо этади.

Зеро, мантиқ қадимги фанлардан бири бўлиб, унинг масалалари қарийб икки ярим минг йилдан буён ўрганиб келинмоқда. Бу фан кишиларга оламни ўрганиш, ўзга инсонлар билан тўғри муносабатда бўлиш, тўғри фикрлаш, билимларни кўпайтириш каби муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Мантиқий фикрлашнинг умумий қонунлари юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида «Мантиқ» фани доирасида ўқитилади. Мантиқ фанига оид деярли барча адабиётларда тўғри фикрлашнинг умумий қонунларига таъриф берилаётганда бу қонунлар фикрнинг «аниқ, изчил, зиддиятлардан холи ва асосли» бўлишлигини таъминлаши айтилади. Ҳар бир қонунга алоҳида тўхталганда, айният қонуни «ҳар бир фикр, муҳокама аниқ, равшан бўлишини» ифода этиши, нозидлик қонуни ва учинчиси истисно қонуни «фикрий зиддиятнинг олдини олишга» қаратилганлиги, етарли асос қонуни эса «ҳар бир фикр, мулоҳаза, муҳокаманинг чинлиги бошқа чинлиги исботланган фикр ёрдами билан асосланиши» кўрсатилади.

Ўз-ўзидан савол туғилади: тўғри фикрлашнинг умумий қонунларидан қайси бири тўғри фикрлашнинг асосий талабларидан бири бўлган мантиқий изчилликни тўлақонли акс эттира олади? Мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунларининг талаблари матн ичидаги ўзига тегишли жиҳатларни тартибга солади, лекин улардан ҳеч бири матнни бир

бутун ҳолда таҳлил этмайди. Маълумки, оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракати ўзига хос ички қонунларга бўйсунди. Ана шу ҳаракатнинг инсон онгидаги инъикоси ҳисобланмиш тафаккурда ҳам ўзига хос объектив қонуниятлар мавжуд. Жумладан, М.Шариповнинг фикрича, «Фалсафада қонун тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодалайди. Формал мантиқ илмида қонун тушунчаси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди»².

Ушбу таърифга кўра, М.Хайруллаев ва М.Ҳақбердиевлар «Тафаккур қонунлари чин билимга эришиш мақсадига хизмат қиладиган тўғри фикрлашнинг аниқ нормаларидир... Тафаккур қонунлари ўз ҳолати билан икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси: хусусий аҳамиятга эга бўлган қонунлар, тафаккур жараёнининг айрим қонунлари ёки қоидалари, яъни тушунчанинг таърифланиши, қатъий силлогизм тузиш қоидалари ва бошқалар. Иккинчиси: тафаккур фаолиятини умуман характерловчи, яъни умумий аҳамиятга эга бўлган тафаккурнинг мантиқий қонунлари»³ деб таъриф келтиришган.

Демак, шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инсон тафаккурига хос бўлган муҳим хислатлардан бири фикрнинг аниқ бўлишидир. Чунки, объектив воқеликдаги ҳар бир буюм, ҳодиса ўзига хос белги ва хусусиятларга эга. Бу белги ва хусусиятлар буюм ва ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга, уларнинг ўзига хос томонларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, буюм ва ҳодисаларнинг инсон тафаккурида аниқ акс этиши, ҳар бир фикр, мулоҳазанинг аниқ, равшан ифодаланишини таъминлайди. Фикрнинг ноаниқлиги фикрдаги мантиқнинг саёзлашуви, мантиқсизликка олиб келади. Масалан, объектив ва субъектив сабаб тушунчаларининг моҳиятини аниқлаб олмасдан бирорта ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида аниқ фикр юритиб бўлмайди.

² Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. - Т.: Ф.Фуллом номидаги нашриёт, 2004. -55-б.

³ Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. - Т.: «Ўқитувчи», 1993. -20-б.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: «Шарқ», 1998. -6-б.

Шу сабабдан фикрдаги аниқлик тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Айни пайтда аниқлик – инсон тафаккурига хос бўлган муҳим хислатлардан бири бўлиб, у ўзининг объектив асосига эгадир. Маълумки, атроф-оламдаги нарса ва ҳодисалар ўзига хос сифати, белгиси ва хусусиятлари билан бир-биридан ажраб туради. Улардаги бу жиҳатлар ҳар бир нарса ва ҳодисани бир-биридан фарқлашга, уларнинг ўзига хос томонларини ўрганишга имкон яратади. Демакки, ҳар бир нарса ва ҳодисани ана шу ўзига хос томонларини тафаккурда аниқ акс этиши тўғри фикрлашнинг зарурий шартларидан бири. Нарса ва ҳодисаларнинг инсон тафаккурида аниқ акс этиши фикр ва мулоҳазаларнинг аниқ, тушунарли ифодаланишини таъминлайди. Аниқ бўлмаган мулоҳазалар, фикрлар ғализлик, чалкашлик, мантиқсизликка олиб келади.

Шунга кўра, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисанинг жойлашиши, ўзаро муносабати ва боғланишида муайян тартиб, изчиллик, кетма-кетлик мавжуддир. Буюм ва ҳодисаларнинг бу хусусиятлари фикрлаш жараёнининг изчил амалга ошишида ўз ифодасини топган. Тафаккурда хос бўлган изчиллик белгиси ҳар бир фикрнинг муайян тартибда ўзаро боғланган ҳолда баён этилишини талаб қилади. Фикрдаги изчилликнинг бузилиши, фикр маъносининг ўзгаришига олиб келади ва бундай фикрни тушуниб олиш қийинлашади. Масалан, бирорта файласуф – мутафаккирнинг умумфалсафий қарашларини ўрганмасдан туриб, унинг ижтимоий ёки ахлоқий таълимотининг моҳиятини тўлиқ тушуниб бўлмайди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, воқеликдаги бирон-бир предмет ёки ҳодиса бир вақтнинг ўзида икки зид белгига эга бўла олмайди. Масалан, маълум бир китоб Ўзбекистонда нашр этилган ёки нашр этилмаган бўлади ёки бирон-бир предмет бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йўқ бўла олмайди. Демакки, тафаккурда ҳам ана шундай зиддиятларга йўл қўймаслик зарур. Бу эса мантиқан тўғри фикрлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Тафаккурда мантиқий зиддиятларга йўл қўйиш фикрларнинг тушунарсиз бўлиши, мантиқсизликка олиб келади.

Шунингдек, мантиқан тўғри фикрлашни таъминлаш учун зарур бўлган шартлардан яна

бири – фикрларнинг асосли бўлишидир. Воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишлар мантиқий тафаккурнинг ана шу асослилик принципнинг объектив негизи ҳисобланади. Инсон ўз фикрларини асослашда чинлиги исботланган ва бир-бири билан мантиқан боғланган мулоҳазалардан фойдаланади.

Умуман олганда воқеликдаги нарса ва ҳодисалар маълум бир тартиб, кетма-кетликда мавжуддир ҳамда уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабат ва боғланишлари ҳам ана шундай изчилликка амал қилади. Улардаги бу хусусиятлар фикрлаш жараёнининг мантиқий изчиллик принципида ўз аксини топгандир. Мантиқий изчиллик ҳар бир фикрни муайян тартибда ҳамда ўзаро боғланган ҳолда баён қилинишини тақозо қилади. Жумладан, «Мантиқий тафаккурнинг асосий қонунлари қуйидагилар:

1) айният қонуни; 2) зиддият қонуни (нозидлик қонуни); 3) учинчиси мустасно қонуни; 4) етарли асос қонуни... Бу қонунлар тўғри фикрлашнинг зарурий шартидир. Ҳар қандай тўғри фикр аниқ, нозид, изчил ва исбот қилинган бўлиши керак»¹.

Шу ўринда ушбу қонунларнинг кашф этилиш тарихига қисқача тўхталиб ўтсак.

«Фалсафа тарихида айният қонуни биринчи бўлиб Элей мактабининг вакили, қадимги юнон файласуфи Парменид томонидан таърифланган: «Борлиқ бор, ноборлиқ йўқ». Пармениддан сўнг айният қонунини Афлотун таърифлаган: «Ҳақ ўз-ўзига айландир».

Қадимги юнон файласуфи Арасту биринчи бўлиб мантиқий қонунларни изчил назария сифатида яратган. У биринчи ўринга зиддият қонунини қўяди ва уни тафаккурнинг асосий ва бош қонуни сифатида кўрсатади.

Мантиқ фани тарихида биринчи бўлиб айният қонунини тафаккурнинг бош қонуни сифатида немис идеалист файласуфи Г.Лейбниц (1646-1716 й.) таърифлаган².

Зиддият қонунини буюк юнон мутафаккири Арасту кашф қилган. У шундай деган: «Бир-бирини инкор этувчи икки ҳукм бирданига

¹ Раҳимов И. Мантиқ. - Т.: «Университет», 1994. - 18-б.

² Чкнаверянц А.А. Закон тождества. - М.: «Высшая школа», 1961. - С. 34.

чин бўлиши мумкин эмас»¹. Антик давр таниқли мантиқшуносининг катта хизмати шундаки, у зиддият қонунининг онтологик асосларини кўрсатиб берган: ушбу қонун борлиқ қонунларини ўзида акс эттиради. У шундай ёзади: «Бир маънода, бир вақтнинг ўзида битта нарсанинг мавжуд бўлиши ва мавжуд бўлмаслиги мумкин эмас»².

Формал-мантиқнинг тўрт қонуни ичида энг кўп келишмовчиликлар учинчиси истисно қонуни борасида бўлган. «Айрим муаллифлар учинчиси истисно қонуни формал-мантиқнинг бошқа қонунлари сингари, тафаккурнинг алоҳида қонунларидан бири деб ҳисоблашган (Арасту, Кант, Шопенгауэр); бошқа муаллифлар бу қонуннинг мавжудлигини эътироф этишса-да, уни зиддият қонунининг ҳосиласи (Зигварт) ёки зиддият қонунининг иккинчи ярми (Милль) дея, учинчиси истисно қонунини алоҳида қонун эканини инкор этишган; учинчи гуруҳ муаллифларнинг фикрича, бундай қонун умуман мавжуд эмас (Гегель, Васильев), учинчиси истисно қонуни мантиқшунос назариётчилар томонидан ўйлаб топилгандир; ва, ниҳоят, тўртинчи гуруҳ муаллифлар зиддият қонуни ва учинчиси истисно қонунлари алоҳида-алоҳида қонунлар эмас, балки ягона қонунлардир, деган фикрда бўлишган (Лейбниц, Иберверг)»³.

Етарли асос қонунининг кашф этилиши ва унинг таърифланиши немис файласуфи Лейбницга тегишли деб кўрсатилади. У буни шундай тамойил кўринишида ифодалаган: «Барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга»... Лекин Лейбницнинг узоқ ўтмишдошлари – Левкипп ва Демокритлар етарли асос қонунига дастлабки таърифни беришган. Улар шундай дейишган: «Ҳеч бир нарса сабабсиз вужудга келмайди, ҳамма нарса заруриятдан қайсидир асос туфайли пайдо бўлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, етарли асос қонуни мантиқшунослар орасида кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Бу эса бу қонуннинг «меъёрий (нормативный)» характердан кўра, кўпроқ тавсиявий характерга эга-

лиги» билан изоҳланади. Шунга кўра айрим мантиқшунослар бу қонунни «асосий қонунлар» қаторига киритмайди»⁴.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунлари мантиқий тафаккурнинг барча шакллари, элементларига хос бўлган аниқлик, нозидлик, изчиллик, асослилик хислатларини ифодалайди.

Бундан кўриниб турибдики, мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунлари тўғри фикрлаш учун зарурий бўлган талабларни илгари суради. Бу талаблар бажарилган тақдирдагина, фикрлар ўртасидаги боғланишлар тўғри амалга оширилади ва улардаги мантиқийлик таъминланади.

Шунга кўра, мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунлари тафаккурнинг табиий қонунлари ҳамдир. Зеро, уларни йўққа чиқариш ёки бошқа қонунлар билан алмаштириш мумкин эмас ва улар ҳеч кимнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади.

Шу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу қонунлардан келиб чиқадиган талабларни бузиш, уларга амал қилмаслик мумкин. Лекин бунда фикрлаш ноаниқ, зиддиятли, асоссиз, ноизчил ва охир-оқибат мантиқсиз, нотўғри бўлади.

Зеро, мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунлари бир қарашда шахсларга хос қонунлардек туюлади, чунки улар инсон миёсида, унинг ақлий фаолияти жараёнида амал қилади. Лекин шунга қарамасдан, тафаккур қонунлари объектив мазмунга эга бўлган қонунлардир. Биринчидан, улар фикрлаётган субъектнинг кайфияти ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар қандай мантиқий, тўғри фикрлашда амал қилади, ҳатто, бу субъект мантиқ фанини ўрганмаган ва мантиқий қонунлар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса ҳам. Иккинчидан эса тафаккур, фикр юритиш инсонга, инсон миёсига хос бўлган табиий хусусиятдир. Агар тафаккур, фикрлаш жараёни инсонларга хос бўлган табиий хусусият экан, демак, унинг қонунлари ҳам тафаккурнинг табиий қонунларидир. Учунчидан, мантиқий тафаккур ва унинг қонун ва қоидалари умуминсоний характерга эга, яъни инсонлар миллати, ирқи, тили, жинси ва

¹ Аристотель. Метафизика. - М.: «Наука», 1934. -С. 63.

² Ўша жойда.

³ Бабаянц М.С. Закон исключенного третьего. - М.: «Высшая школа», 1962. -С. 21.

⁴ Савинов А.В. Логические законы мышления. - Л.: «Наука», 1958. -С. 251.

бошқа тафовутли жиҳатларидан қатъи назар, бир хил қонунлар асосида фикрлашади ва бу қонунлар мантиқий қонунлардир. Ва ниҳоят, тўртинчидан, мантиқий қонунлар объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар, улар ўртасидаги муносабатлар, улардаги хусусиятларнинг бир неча минг йиллар давомида инсон миясида акс этиб қолишининг натижасидир.

Айният, нозидлик, учинчиси истисно ва етарли асос қонунлари формал мантиқ фанининг илк босқичи бўлган анъанавий мантиқдаёқ ўрганила бошланган. Лекин бу қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида файласуфлар ўртасида ҳам, мантиқшунослар ўртасида ҳам ҳалигача бир тўхтамга келинмаган. Масалан, формал мантиққа қарши бўлганлар айният қонунини – нарса ҳар доим ўз-ўзига тенг бўлиши керак, деб талқин қиладилар. Биринчидан, формал мантиқ нарсалар ҳақидаги эмас, тафаккур ҳақидаги фандир, шу сабабли ҳам бундай талаб қўйилиши мумкин эмас. Иккинчидан, Арасту давридан буён айният қонуни тафаккурдаги айнанлик деганда, маълум бир тушунчанинг аниқ мазмунга эга бўлиши ва маълум бир муҳокама, хулоса чиқариш жараёнида дастлабки мазмунини сақлаб қолишлиги ҳақидаги талабни илгари суради. Чиндан ҳам, суҳбат ёки баҳс жараёнида томонлар битта тушунчага турлича мазмун берадиган бўлса, бундай муҳокамада мантиқийлик бузилади, софистика вужудга келади.

Формал мантиққа қарши бўлганлар зиддият қонунини ҳам ўзига хос талқин қилишга ва, ҳатто, уни инкор этишга уринадилар. Улар зиддият қонунини табиат ва жамиятдаги қарама-қаршилиқни, зиддиятни инкор этади, деб талқин қиладилар. Биринчидан, аввал айтиб ўтганимиздек, формал мантиқ нарсалар ҳақида эмас, тафаккур ҳақидаги фан, шу сабабли зиддият қонуни нарсаларга тегишли зиддиятлар ҳақидаги саволни ўртага қўймайди. Иккинчидан, зиддият қонуни тафаккурдаги барча зиддиятларни ҳам инкор этмайди, фақатгина бирон-бир масала ёки предмет юзасидан маълум бир муносабат ва вақтда ўз-ўзини инкор қилмаслик ҳақидаги талабни акс эттиради.

Шунингдек, формал мантиқ ўзига қарши бўлганларнинг уринишларига қарамасдан, ўз

қонунлари билан аллақачон объектив оламнинг диалектик моҳиятини акс эттиргандир. Буни биргина зиддият қонуни мисолида ҳам кўриш мумкин. Унга кўра, биринчидан, бир предмет ҳақида бир вақтда айтилган икки қарама-қарши фикрнинг ҳар иккиси тўғри бўлиши мумкин эмас. Эътибор беринг, фақат бир вақтда дейилмоқда, турли вақтларда эмас. Нима учун? Чунки предмет ўзгариши мумкин, шунга кўра бизнинг у ҳақидаги фикрларимиз ҳам ўзгаради. Демак, зиддият қонуни нарсаларнинг диалектик табиатидан келиб чиқади. Иккинчидан эса, бир предмет ҳақидаги икки қарама-қарши фикрнинг ҳар иккиси битта муносабатда бирданига чин бўлиши мумкин эмас. Яна аниқ бир муносабат олинмоқда, бошқаси эмас. Нега? Чунки бошқа муносабатда олинган предмет бошқа предметларга нисбатан ўзга сифатларни касб этади. Диалектика ҳам айнан шуни акс эттиради.

«Тафаккур қонунлари ҳақида яна икки хил қараш мавжуд. Айрим мантиқшунос ва файласуфлар бу қонунларни оламдаги нарсалар табиатида амал қилади деб ҳисоблашади; бошқа баъзилари бу қонунларни аввалдан инсон онгида мавжуд бўлган ва фақат тафаккурнинг ўзига тегишли ички қонунлар сифатида талқин этишади. Формал мантиқнинг қонунлари ҳақидаги бу иккала талқин ҳам нотўғри. Аввалгисининг хатоси шундаки, формал мантиқ қонунлари табиат ва жамият қонунлари эмас, тафаккур қонунларидир. Мантиқ қонунларида моддий борлиқ қонунларининг акс этиши лозимлиги бошқа масала, лекин мантиқий қонунлар тафаккурда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, табиатда тушунчани таърифлашга оид қонидани топиб бўлмайди. Бу амал фақат мантиқий таҳлилга тааллуқлидир. Мантиқий қонунларни ички, фақат тафаккурга тегишли, деб ҳисобловчи мантиқшунос ва файласуфлар ҳам ўз-ўзидан нотўғри фикр юритадилар, чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тафаккур ва унинг қонунлари моддий борлиқ ва унинг қонунларини онгимизда ўзига хос тарзда акс этишидир»¹.

¹ Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник, 2-е издание. - М.: «Наука», 1975. - С. 312.

Тафаккур қонунлари ҳақидаги фикрларни умумлаштириб, қуйидаги хулосаларга келамиз:

- тафаккур қонунлари фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқа-дорликларни акс эттиради;

- тафаккур қонунлари чин билимга эришишни таъминлайдиган аниқ илмий меъёрлардир;

- тафаккур қонунлари объектив мазмунга эга бўлган қонунлардир;

- тафаккур қонунлари тафаккурнинг табиий қонунлари ҳисобланади;

- тафаккур қонунлари тўғри фикрлаш учун зарурий бўлган талабларни илгари суради;

- тафаккур қонунлари мантиқий тафаккурнинг барча шакллари, элементларига хос бўлган аниқлик, нозидлик, изчиллик, асослилик хислатларини ифодалайди;

- тафаккур қонунлари объектив оламнинг диалектик моҳиятини акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, мантиқий қонунларнинг мазмун-моҳиятини яхши билиш ёшларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиради, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, мантиқий тафаккур маданияти кўникмаларини шакллантиради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аристотель. Метафизика. - М.: «Наука», 1934.
2. Бабаянц М.С. Закон исключенного третьего. - М.: «Высшая школа», 1962.
3. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник, 2-е издание. - М.: «Наука», 1975.
4. Раҳимов И. Мантиқ. - Т.: «Университет», 1994.
5. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. - Т.: «Ўқитувчи», 1993.
6. Чкнаверянц А.А. Закон тождества. - М.: «Высшая школа», 1961.
7. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 2004.